

# ЙИЌИЛГАН ОЙ

*Умри отхонада ўтган Ёрқин тоғамнинг  
ёрқин хотирасига бағишлайман.*

## I

«Пурр, пурр...». Ана шундай кишнашади, кишнашадими-ей, пурлашадими-ей, ишқилиб, ана шунақа менинг отларим. Оқшом бўлди дегунча сарой дарвозасидан «тақира-туқур» автокачлар кириб келишаверади. Филдираклари турпоғу тошга урилиб, сарой тарақа-туруққа тўлиб кетади. Тўхтаётган автокачлар уюм-уюм. Чанг-чунг, чарчаган, бироқ шавқли-завқли автокаччилар бири чакқон, бири оғир тошдай қўзғалиб, отларни, ўша менинг отларимни бўйинтуруқдан озод этадилар, яна-чи, уларни арқонлаб ўтирмайдилар, қайишу бўйинтуруқларни ўзининг автокачига ташлайдилар, отларни, ўша менинг отларимни яйдоқ қўйиб юборадилар. Отлар-чи, ўша менинг отларим, баъзилари олд оёқларини тарсиллатиб ерга урадилар, ҳа, ерга урадилар, баъзилари-чи, индамай ҳорғин, аммо меҳнатдан озод бўлганларидан, бўйинтуруқдан бўшаганларидан мамнун думларини шода-шода отишиб, ўйноқлашиб, баъзилари десангиз, ирғишлаб, иккала кейинги оёғи билан тепинган кўйи шаталоқ отиб, эринчок салт отларнинг жиғига тегиб, отхона томон, менинг отхонам томон, тўғриси, Матал бувомнинг отхонаси томон ошиқадилар. Улар денг, ўша менинг отларим, биз тўпна-тўғри Матал бувомнинг олдига келамиз. Уни ҳидлаймиз, елкаларига бошларимизни қўямиз. Матал бувом ҳаммамизни силайди, бўйинларимизга, елкаларимизга уриб қўяди. Матал бувомнинг ортидан чопқиллаб, узундан-узун, кети йўқ отхонага кириб кетаверамиз. Жой-жойимизга, емишимиз кутиб турган охурлар олдига ошиқамиз. Чопиб юборамиз. Бир-биримизни суриб, тегиб ҳам юборамиз. Аммо тепки қайтаришга уринмаймиз. Шунақанги мазза ислар келадики, охурлардан. Текинтомок чумчуқлар, мусичалар, яна алламбало қанотлилар гур-

гур қочишади. Шипларга, дарча ва эшик устиларига, ҳатто устунларга қапишиб олишади. Безбетлари яна охурларимизга ёпишади, калламизни у ён-бу ён ташлаганимизда, ҳа, қочмайсан-а, қочмайсан, ризқимизни сен бекорчиларга бериб қўярмидик, сенларнинг ҳам топиб олганинг отхона, бошқа жойлар қуриб кетибдими, бор, тошингни тер, зарарқунандалар.

Матал бувом отларнинг ичида йўқолиб кетади. Мен ўртада, ораликдаги йўлкадан отхонанинг у бошига чопаман, қани энди етсам. Сўнг ортимга қайтаман. Ҳаллослаб келиб, ўзимни бурчакдаги фарам устига отаман. Бирам мазза, бирам маззаки! Ағанайман, ағанайман, ағанайвераман, бедаларни ўпаман, отхонамнинг иси бирам маззаки, умримда ҳеч қачон бу ердан кетмайман, ҳеч қачон! Фарамнинг устида ағанаганим-ағанаган, юмалаб ерга тушаман, яна тепага ағанайман. Ана шунда, бир вақт, Матал бувом бино бўлади. У отларнинг қалла томонига ўтиб, яна ортига қайтиб, ҳар бир отни айланиб, яна бош томонига ўта-ўта охириги отнинг бўйнига арқон солади, уларни силаб-силаб қўяди, яғринига уриб-уриб, кейинги отга ўтади. Ана, отларни арқонлаб бўлди. Юзидан чакчак тер томади. Менинг рўпарамга тез келади-да, ҳаҳ занғар, деб қўяди. Унинг овозидан мазза қиламан. Фарамнинг устида чунонам ирғишлайманки, у менга қувонаётганини сезаман. Устунга осиглик темир қашлоғичлардан иккитасини шарақлатиб ажратади, тасмасидан бармоқларини ўтказди, яна отларнинг орасига уради ўзини. Гоҳо шундай кириб кетаётиб, чойгумга қараб, тур, занғарча, деганча эрқалатиб амр қилади. Ўшанда кўзим нариги, рўпарадаги бурчакда милтиллаб ёнаётган ўчокқа тушади. Ўшанга чопаман, ўт чарс-чурс ёнади. Қумғон визиллайди. Бу ер Матал бувомнинг – бизнинг уйимиз. Ростини гап, уйимиз шу бурчак. Шунақаям яхшики бизнинг уйимиз, кўрпа-тўшагимиз, чойнагу пиёламиз, ҳамма нарсамиз бор, ўчоғимиз, ўтинимиз, кулимиз, ҳатто оташкурагимиз ҳам бор. Фақат қозонимиз йўқ. Овқатимиз ўзи келади. Ўша овқатимиз келадиган пайтни ёмон кўраман. Акам келтиради овқатни. Акамни ёмон кўраман. «Ҳа-а, чурвақа, – дейди у кела солиб, – юр уйга, бувим чақиряпти, санқи». У менга ташланади. Мен фарамнинг тепасига қочаман. Шунақа, баъзида болалик қилиб, шошиб қоламан, отларимизнинг орасига қочиб кетсам-ку, ушлаб бўпти-я, Қодир гўр, муштуми зўр!

Аммо ғарамнинг устида ушлаб олади. Ғарамни бақадай кучоклаб оламан, Қодир ғўр, муштуми зўр бакувват эмасми, бақани бедаси билан шартта кўтаради-да, оркалаб кетаверади, бақанинг оёқлари эса ерга тегмайди, шунда охирги қуролимни ишга соламан, бурнига тўғри-лаб туриб, ичимдаги сассиқ ҳавони писиллатаман. Ҳа, ташлаб қочмайсан-а, Қодир ғўр, муштуми зўр! Бурнини бармоқлари билан қисиб олганча, менга мушт кўтариб дўлаяди. Мен эсам, вақт ғанимат қочиб қоламан. У кет-гач, тўкилган бедаларни териб келаман. Ёмон душман келиб кетди. Энди бу ёғи мацца, Матал бувом отларни қашлаб чикса, чой дамлайди, унга суйкаламан, ўтириб овқатланаман, уйда овқат егим келмайди, у билан тала-шиб-галашиб ейман. Шунақа. Бу ердаги овқат шундай ширин-ки, мацца! Овқатни еб бўлиб, идишни ялаб қўя-миз. Мендан кейин бувом ялайди. Роса ялайди. «Овқат-ни одам еб тўймайди, ялаб тўяди» дейди Матал бувом. Унинг шундан бошқа гапини эшитмаганман. У ҳеч гапир-майди. Фақат шу гапини дейди, холос. Овқатдан сўнг де-ворга суяниб қолади. Мен унинг пинжига кириб оламан. Уни ҳидлаб тўймайман. Унинг кўзи кетади. Оҳиста, чи-ройли хурракчаси эшитилади. У шу кўйи анча ухлаб қолади. Мен унинг пинжида ўтиравераман. Унинг кўкси-га елкаларимни қўйиб, дарчадан осмонларга тикиламан. Осмонга оймома чиқади. У булутлар билан урушади. Тез-тез сузади. Лаппагининг қирраси билан булутларни шартта-шартта чилпарчин кесиб ташлайверади. Булутлар ўлади. Осмон тозаланади. Энди оймома мацца қилади. У ғолиб, булутларнинг ҳаммаси ўлган, осмон Матал бувом, мен ва оймоманики. У бизнинг оймомамиз. Матал бувом ва меники. Майли, Матал бувом ухлаб олсин, биз Оймо-ма икков осмонга қоровулмиз, йўқ, фақат осмонга эмас, мана бу отхонамизга, мана бу отларимизга: Байир, Қир-чанғи, Узуноёқ, Калта, Бақалоқ, Тепаки, Сурги, Меш-қорин, Тумшук, Ирсак, яна, яна, яна... Жуда кўп. Ҳам-масининг оти бор. Ҳаммасини Матал бувом қўйган. Мен оймомага уларнинг отини айтиб бераман, шунда оймома дарчалардан киради. Ҳар бир отга бир-бир назар солади. Оймома кирса, отлар суюнади. Оймомани кучоклашиб йиғлашади. Аниқ йиғлашади. Кўзлари йилтиллайди, ёна-ди. Чинакам йиғлашади. Суюниб, оймомани кетма, деб йиғлашади. Оймоманинг иши кўп. У Муқсой томонга шо-шилади. У Муқсойни ёритиши керак. Бутун олам

Муксойнинг сувидан ичади-да. Оймома бўлмаса, Муксой кечаси қандоқ оқади? Уни кумурскалардан тортиб бизнинг отларгача кутишади. Ташна бўлиб кутишади.

Шунда бирдан Матал бувомнинг кўзғолишидан думалаб тушаман. Илкис уйғониб кетган Матал бувом менга қарамайди, иккита каттакон пақирни кўтаради-да, Муксойга чопади. Отлар емишни еб бўлишди. Сув сўрашяпти. Оймома шеригимиз ётиб қолмасдан отларни суғориб қолиш керак. Матал бувом ясаб берган пақирчаларимни оламан-да, бувомнинг ортидан чопаман. Қарашиб юборишим керак, ахир. Шунча отларимизни суғориш осонми?!

Ташқарига чиқиб, хафсалам пир бўлади. Э-э, Муксойга бормас эканмиз, Бувом отхонамиз ёнидаги ховуздан сув ташимокда. Муксой билан Оймомамиз ёнига борсак-ку, дея ўтинаман. Ховуз томон юравераман, юравераман. Суюниб кетаман. Нақ ховуздан Оймомамиз живир-живир боқиб турибди. Оймомажон, оймома! Бизни ташлаб кетма, Оймома! Сен бўлмасанг мен кўркаман, бу дунёлардан. Оймомамиз билан Муксойга борадиган кунлар ҳам келади яқинда. Унда Қумқишлоқ қумлари темирдай қизийди. Осмон сув бермай кўяди. Ҳатто мана бу ховуз ҳам қурийди. Анави курриллаётган бақалар ковак-ковакларга кириб кетади. Қушларнинг қаноти куйиб, учмай кўяди. Дарахтлар ёнади. Ўшанда Оймомамиз бизни Муксой тепасида кутиб олади. Биз сурувни Муксой томон сурамиз. Олам отларимизнинг дупур-дупурига тўлади. Қумқишлоқ отларнинг дупур-дупурию ўжар итларнинг суронига буркалади. Дупур-дупурларни Муксой ютиб юборади. Отлар товонидан тўзғиган чанг ҳам чанқаб, Муксой устига ўрлайди. Ана шунда отларимизнинг чўмилганини кўрсангиз! Муксой бўйлаб елиб кетаман. Ям-яшил ўтлоқ. Осмонда менинг Оймомам. У мен билан баробар чопади. Овозим борича бақираман: «Эй, дунё! Менинг оймомам бор, Матал бувом бор, чўмилаётган отларим бор. Эй тиканлар, оёғимга ботаверинглар, эй чангаллар этагимни йиртаверинглар, мен сизларни ҳам яхши кўраман!»

Отлар сувга қониб, тана тафтини сувга оқизишгач, мулойим бўлиб қолишади. Бирин-кетин сойнинг пасткам жойидан чиқишиб, эски, ўлик тегирмон ортидан катта йўлга чиқишади. Отхонамизни адашмай топиб келишади. Фақат Матал бувом йўқолиб қолади. Матал бувом шунақа. Мен уни ёмон кўраман. Ажинадан кўркишимни би-

лади, мени ўйламайди. Охирги от сувдан чиккунча, санаб тураверади. Охири сўнги отнинг думи орқасидан келади. Шунақа, берахм Матал буюм. Мен йиғлайман, тегиримоннинг ортидан кўрқаман. У ерда ажина бор. Акамлар, ўша ёмон болалар шундай дейишган. Хатто бир марта менга ажинани кўрсатишиб, ўзлари қочиб кетишган. Ажина чалиб, уч кун касал ётганман. Бувим шундоқ деган. Унда Матал буюм бормиди, йўқмиди, билмайман. Оймомам ҳам йўқ эди. Акаларим бўлгани билан мен ёлғиз эдим. Шу Матал буюм келди-ю, менинг дўстларим кўпайиб кетди. Мана, Оймома бир, отларим икки, Муқсой – уч, отхонамиз тўрт, хатто неча қорақўнғиз дўстларим бор... Э, менинг дўстларим кўп. Фақат акам душман, онам душман. Йўқ, онамни сўксаям, қарғасаям, яхши кўраман. Фақат акамни сўкмай, мен билан дадамни қарғаб сўккани ёмон.

Анави катта душман – акам, Қодир ғўр, муштуми зўр, баъзан мени қулоғимдан чўзади-да, дўстларимдан жудо қилади. Уйга олиб кетади. Кўча эшигимиздан ичкарига итариб юборади-да, онамга «Манг, олиб келдим, отбоқар санқини» дегандай тикилади. Онам қилаётган иши билан машғул саннаб кетади:

– Жувонмарг, Матал туғмай ўлсин сени. Кимни кўтидан тушгансан, дайди ит?! Уйинг борми жувон ўлгур?! Отти тагида ётиб юриб, бит босиб кетгандир, юлики! – вайсайди онам, аммо мен қаёқда, қарамайди. Нон ёпаётган бўлса тандирни, овқат пишираётган бўлса капгир билан қозонни уриб қарғайверади. Чунки, биламан, орада синдираётган ўтинними ёки қийшайиб кетган қумғонними «Ўл-а-а!» дея менинг қарғишимга кўшиб юборади.

Қош қорайиб келавергач, акам бизга овқат олиб жўнайди. Эшикдан чиқаётиб, мени обдон кузатади ва бувимга тайинлайди:

– Буви, анавинингизга эҳтиёт бўлинг, кўзи ўйнапти, мен яна уни олиб келишга бормаيمان...

– Ўтир жойингда, – ўдағайлайди бувим ва оёғи остидаги новда ўтинни ушлаб кўяди.

Кўзим аланг-жалаанг. Отхонанинг дупур-дупури, отларимнинг кишнаши, «пурр-пури» қулоғимда жангланглайверади. Уйда ҳеч вако йўқ. Тўртбурчак, олди айвонли уй – зимистон. Бурчакда итимиз Қоплон. Вангур-вангур укаларим, бошқа ҳеч ким йўқ. Туриб-туриб онамнинг овози:

– Ҳозир отанг келади еталатиб, ичмай тўнғиз кўпгур!

Отам деярли хар куни уйга маст-аласт келарди. Баъзан бир ёки икки улфати уни икки томондан суяб келишади. Шу алфозда келган отам хушини йўқотмайди, ухлаб ҳам қолмайди. Онам билан ўртада даҳанаки жанг кўпади. Отам онамнинг жавраганига қисқа-қисқа жавоб қилиб, ўзидан-ўзи қулиб юбораверарди, онам эса авжига чиқади:

– Еталатмай тўнғиз кўп! Куйганим куйиб, сўнгагим сўниб бўлди. Жонимдан тўйдириб, ўлимимга рози қилиб юбординг. Етимларингни ўзинг боқасан! Нима кўрдим бу дунёга келиб? Қозонингга ёғинг етмаса, кетингга иштонинг. Топиб-тутиб зўрға қайнатган қозоним устида ўнта коса. Бу кишлоқда тўқнинг ўзи борми? Ичиб-чичиб юравер, қозонинг бўққа қайнайди!

Онам енгини оғзига тутиб, йиғига тушади, отам эса кулаверади. Акам бир четда хўмраяди. Менинг юрагим така-пука. Кичкиналар онамнинг пинжига тикилади, йиғлай бошлашади. Отам шу кўйи ухлаб қолади. Мунгли дастурхон қуршалади. Онам овқат сузади. Акам, ўша менинг душманим акам овқат ташийди... Мен овқат емайман. Матал буюв менга овқатидан олиб кўяди. Ернинг остидан «дуপুর-дуপুর» келаверади. Отларим кишнашади. Мени излашаётгандир? Отхонамизнинг, ўша жонажон уйимизнинг иси кезинади. Кўзим аланг-жаланг, аммо кўрқаман.

– Тумшаймай ўлгур, е овқатингни, – дейди онам, менинг азобланмиш онам.

Миқ этмай ўтиравераман. Катта душман, овқат аралаш оғзини чаппиллатган кўйи ифво кўзғайди:

– Буниз автокачларнинг тагига осилишни ўрганган.

Аблаҳ, овқатни ютмай, онамдан менга етадиган жазони кутади.

Онам сассиз. Ифвогар яна нимани ўйлаётганикин? Менга барибир, Матал буювнинг ёнига етиб олсам бўлгани. Шунда ҳеч нарсага эришмаган акам, акажоним бикинимга бир туртади. Менинг хаёлим эса Матал буюв, отларимда, Оймомамда... Эй, Оймомажон, тезроқ чик, мени Матал буюв ёнига олиб кет... Оймомамни роса кутаман. У чикмайди. Ва ниҳоят, у чиқади. Аммо нурсиз. У хафа. Лаппагининг ўткир қирраси булутларни кесмайди. Булутлар кўпайгандан-кўпаяди. Бутун осмон қопқоронғу. Мен йўқман.

Гўнғир-гўнғир гапдан уйғониб кетаман. Онамнинг ха-

фаланган гапию отамнинг овозсиз кулгиси эшитилади. Онам:

– Эсинг кирмади, кирмади, дўрдоқ. Ароқ чиқарганни уйи куйсин. Қорнимиз тўйиб овқат емасак...

Онамнинг қора сўнгак, эти ич-ичига урган, томирлари бўртиб чиққан пажмурда гавдаси кўз ўнгимга келади. Онам нега ундоқ деяпти? Бутун маҳаллага овқат улашадиган онам ўзи тўймас экан-да. Тўғри, қозонимиз бошига коса кўтариб кўп кўшни болалар киришади. Онам уларни курук қўймайди. Мен эсам тушунмайман. Нега бунақа?

Онам давом этади:

– Топганингни ичиб юравер. Қора қозонга Сожи топади. Жуваринг тугади, макканг тугади, ошқовоқ тугади. Ана омборингни кўр, кўнғизга қумалоқ йўқ. Бир-бирини юмалатиб юришибди. Ерни ким ағдаради? Уруғни ким қадайдди? Яна Сожими? Сожи илгарги Сожи эмас. Адо қилдинг. Қозонга одам бошлаб келасан, холос. Шахардан ўғри бошлаб келдинг, камарингу ён соатингни ўмариб кетди, сен меҳрибонни. Бугун борсанг, яна бошлаб ке. Хайрият, Маталингдан қутулдим. Ўшаниям қорни бизни қозонда...

Матал сўзини эшитиб, қулоғим янада диккайдди.

Отам:

– Қўй, кампир, шу бечорани гапирма. Қишлоғимизнинг ўртасига келиб, гангиб турган экан. Борадиган ери йўқ. У ҳам худонинг бандаси-ю, уйга олиб кирмай бўладими? Яшаса, уч ой яшади. Ўзига яраша иш топилди. Раис ҳам хурсанд. Шундай катта отхонани эпляпти. Ўлгудек меҳнаткаш ўзиям.

– Ўшани деб урганинг эсимдан чиқади, деб ўйлайсанми?

Эсимда. Матал бувомнинг бизникида юрганига учтўрт кун бўлганди. Отам ташқаридан кириб келди. Авзойи бузуқ онам вайсай кетди:

– Анавинингни устини ювдим. Сени ямоқ иштонинг, йиртиқ яктагингни кийиб турди. Этагим кўтимга етмай турган замонда бегона эркакнинг сассиқ иштонини ювиш эди, юмушим. Ўзиям иккита совун кетди. Бир пақир кул кетди.

Жуваринг тугаяпти, макканг тугаяпти. Шу исқиртти кўтига тик ўша қолганиниям. Бегона эркакни тикиб қўй кўйнимга!

Матал бувом нарироқда ёнбош қилиб, ер чизиб турар-

ди. Отам онамга шапалоқ тортиб юборди. Онам, курук ёғочгина онам, довдираб йиқилишига бир бахя қолди. Мен йиғлаб юбордим. Онаминг, курук ёғочгина онаминг калтак еганига эмас, энди отам Матални қувиб юборса-я, деб ўйлагандим. Йўқ, ундай бўлмади. Онам йиғлаб, ўчоқ бошига кетди. Отам Маталнинг рўбарўсига ўтди. Шунда Матал:

– Сойиббек, – деди, – мендан хавотир бўлма. Мен бир кунимни кўриб кетаман.

Онам ўчоқ бошидан тўполон қилди:

– Ўчир икковинг ҳам овозингни, буғдойни суғориш керак!

Икковлон буғдойзор томон кетишди.

Яна бир куни анави душман, Қодир ғўр, муштуми зўр, мени ҳибсга олган куни, уй зиндон бўлган куни, осмон узоқ, фон сўри қаттиқ бўлган вақт отам эрта хушига келгач, онам билан ўрталарида шундоқ гаплар кечди:

– Сен ҳадеб турмушдан хафа бўлаверма, – деди отам. – Ҳаммаёқ яхши бўлиб кетади. Ҳозир ҳам қозон қайнатиб турибмиз. Қозонини сувга ташлаб қўйганлар қанча. Худо ҳам берганга беради. Борингни ҳеч кимдан аяма. Ҳамма аслида ўз ризқи билан туғилади. Унинг ризқини кимгадир қўшиб қўяди, холос. Давлат ҳам ўнгланиб кетади. ГПУ келса, солиқчи келса, қочмай ҳам қўясан. Ҳаммаси яхши бўлади. Ҳаммамизнинг ҳам худого айтганимиз бор...

Онам гапни бўлиб дейди:

– Кўпайсин билан Қосим ҳам, бояқишлар оч ўтиришибди. Онамдан қолган сағир бечоралар. Бу ёқда Каромат билан Собит, нарёқда Исроил билан Урайим... Ҳаммаси сағирлар... Ўлмайгина ўлсин, ота-онаси буларнинг.

– Айтдим-ку, ҳаммани ўз ризқи билан яратади, – тинчлангирди отам. – Яқинда бир янгилик бўлади, ҳеч кимга офиз оча кўрма, ҳозирча. Раис билан бекор-беҳуда ичиб юрганимиз йўқ. Бирор мойлироқ ишга қўяди. Қозонинг ёғлироқ ҳам бўп қолар. Ана ўшанда сағирларни ҳаммасини кўчириб келасан. Бешкентда ҳам тоғаларим юрибди. Худо дастимга бериб қолса, уларни ҳам кўчириб келаман. Қолганлар ичида, дунёда энг яқини шулар қолди менга.

– Болаларни ҳам ўйланг, дадаси. Қодирни бўйи чўзилиб қолди, катта меш косада овқат еяпти. Манави Муродингиз, билмадим, қандоқ бола бўлди, куйдирги, писмиқ. Бир палакат чиқмаса эди. Шунақаям индамаски,



оғзидан гапни суғуриб бўлмайди. Матални қўйнидан чиқмайди. Ўша исқиртга қўшилган бола нима бўларди. Ё дарвеш бўлади, ё молбоқар. Худони зорини қилиб ундан ажратиб бўлмайди. Уйни жини суймайди. Безоригина ўлгур, писмайиб автокачларнинг тагига осилармиш. Ер юткурни арава босиб кетса нима бўлади, худо кўрсатмасин.

Менинг қулоғим динг. Шунда:

– Ундай дема, Сожи, – ўй суриб гапиреди отам, – ҳамма умидим шу Муроддан. Сен уни билмайсан, у бошқача бола. Кўзига бир чуқурроқ қарагин-а, ҳамма ақл ўшанда. Ундан зўр одам чиқади. Қараб тур, хали у авлод-аждодимизни улуғ қилади...

У ёғини эшитмайман. Оймомага шошиламан, Матал бувомга ошиқаман. Отларим ҳаммаси эшитсин, мен яхши одам бўлар эканман. Буни отам, отажоним айтди. Мен дунёга жар соляпман. Эшитаяпсанми, Оймомажон! Мени ҳам дунёда битта одам яхши кўрар экан, эшитяпсанми? У отам. Отам дунёда энг зўр одам. Бугундан бошлаб отам – энг зўр одам!

Оймомажон, бу гапни сен осмонга ҳам айт, душманларинг – булутларга ҳам айт. Муқсойга ҳам айт. Оймомажон, нега юзингни кўрсатмайсан? Мен хибсдаман, Оймома. Ёнимда Қодир гўр, муштуми зўр ётибди. Унинг мушугини менинг зўр отам, отажоним ҳам пишт дея олмайди. У онамнинг аскарари. У онам, онажоним айтган гапни қилади, холос. Ҳеч қанча фурсат қолмади. Ҳозир ҳамма ўрнидан туради. Қодир гўр, муштуми зўр меровсираб, гарангсийди. Ана ўшанда мен қочиб қоламан. Матал бувом мени кутяпти. Мана, кўчада ҳам аравалару автокачлар тарақлаб қолди.

Далага отланаётган шаддод келин-қизларнинг қўшиғи, шодон овозлари эшитилияпти. Жумлаи жаҳон уйғонмоқда. Мен ҳам тез орада кутуламан.

Шунда яна отамнинг гапи қулоғимга урилади:

– Кўряпсанми, одамларнинг кўча-қўйда кайфияти яхшиланиб боряпти. Ишлаганларга колхоз ҳам анча-мунча бeryапти. Раиснинг кайфияти яхши. Бу йил яхши бўлади, деяпти. Колхоз қарзидан кутулибти. Бу баҳор роса ёғинчачинли келиб, буғдой мўл бўлди. Қорнимиз нонга тўяди, деяпти. Яна бир гап... – овозини пастлатди отам.

Мен эшитмай қолдим. Шунда онамнинг овози эшитилди:

– Э-э, мен Инкоп, Пинкоп, Отоп, Потоп деган

одамларни билмайман, нима иш қилишади улар, солиғини пасайтирармишми? Зора эди-я. Уйдаги ризкимизни, охирги шуду-будимизни олиб қўйишмаса, туппа-тузук бўлиб қолардик.

– Секинроқ гапир, хотин. Ҳали бу – гап. Деворнинг ҳам қулоғи бор.

– Энди мен турай, – дейди онам.

Хайрият-ей, тезроқ турақолинг, буважон! Қодир ғўр, муштуми зўрни ҳам уйғотинг. Тезроқ масовсирасин...

## II

Юрагим ҳовлиқиб, саройга чопиб кирарканман, Матал бувомни жанжал устида кўрдим. У бир автокаччи билан талашиб-тортишарди. Қандай яқинлашиб, унинг пахталишим кийган оёғини кучоқлаб олганимни билмайман. Автокаччи зудлик билан отни беришни талаб қиларди. Матал бувом эса оёғини тираб туриб олганди. «Касал» сўзини тинимсиз такрорларди. Охири бувом айтганини қилди, отни бермади. Автокаччи эса бўралаб сўкинганча, раисга айтишини билдириб, қамчиси билан керза этиги қўнжига бир туширди-да, саройдан чиқиб кетди.

Шундай қилиб, саройда икки автокач қолди. Бири бузук экан. Бир киши кечгача бузук автокач атрофида уймалашди. Филдирагини чиқарди, қўйди, яна алламбалолар қилди. Бувом икковлон тушгача касал Мишиқи билан машғул бўлдик. Мишиқи ўрнидан турмас, ўнтагани-ўнтаган эди. Баъзан-баъзан жонсиз пишқириб қўярди. Кўзидан ёш оқарди. Матал бувом отни силар, қорнининг ҳар ерини тусмоллаб босиб кўрарди. Ва ниҳоят Мишиқининг сонини босди. Мишиқи калласини даст кўтариб, инграб юборди. Бувом от оёғини оҳиста кўтарди, чот ораларини пайпаслаган бўлди. Сўнг менга алланима демоқчи бўлди-ю, индамади, отхона бурчагига чопиб кетди. Тарақ-турук қилиб аллақандай темир-терсаклар келтирди. Мишиқининг туёғини кучоғига олди, чап қўлтиғига қисди, шошилмай тақа михларини суғура бошлади. Мишиқи безовталанар, бироқ жони ором ҳам олаётган эди. Шунда бирдан Мишиқи туёғидан қўйиқ қонталаш суюқлик томчилади. «Бечора» деди Матал бувом.

– Чойгумни келтир, чойгумни, – деди у менга бурчакка ишора қилиб.

Чойгумни кўтаролмай тўка-тўка, ўзим ҳам қалқий-

қалкий келасолиб, уни бувомга тутқаздим. Бувом сувга кўлини тиқиб кўрди. Қумғонни қийшайтириб куйганча, отнинг товони ораларини юва кетди. «Сий, сий» деб қолди у бир вақт менга. Мен эсам бунақаларга, ҳатто отнинг қулоқлари, қорниларига кўп сийганман. «Яша, яша» дерди бувом, ҳар галгидек мамнун. Кейин арқон келтиришимни буюрди. Отнинг илигидан маҳкам тугди ва тепага осиб қўйди. Сўнг алламбало дорилар турадиган, кўк, қизил суюқликлар тўкилган токчадан оқ тугмачалар олди, чорсисининг учига тугиб, майдалаб, отнинг оёғига сепди. Мишиқи тушдан кейин ётган ерида кавшаниб қолди.

Менинг отларим ана шунақа, баъзан оғриб ҳам туришади. Барибир тузалиб кетишади. Уларни даволаб юборамиз. Баъзан қулоғи, баъзан қорни оғриб қолади. Унинг ҳам давосини топамиз. Бирда, айниқса кўк беда кўпайган чоғда, баъзи бирларининг қорни дўмбира бўлиб шишиб кетади. Шунда бувом бигизни олади, оғзидаги сўлагига тегизиб, отнинг қуймичи ёнига бир санчиб олади. «Пусс» деб ҳаво чиқади ўшанда. Бувом мени боши узра кўтаради, «қони бор жойга сий, қони бор жойга» деб буюради. Мен шундоқ қиламан.

Эҳ, менинг отларим, шунақанги отларки! Чапдасти ҳам кўп, чапаниси ҳам. Шунинг учун Матал бувом баъзиларининг кўзи ёнига қора чармдан тўскич тақиб қўяди. Матал бувом байталларни бошқа, ўртаси тўсиқлик кўрада сақлайди. Аввал байтал нима, билмасдим, кейин Матал бувомдан сўрасам, отнинг хотини экан. Уларнинг шунақанги ширин қулунлари борки, қараб тўймайман. Эҳ, менинг қулунларим! Диқир-диқир сакраган, ўйноқлаган, шаталоқ отган қулунларим.

Мишиқининг оёғини осиб қўйиб, чой ичишга тутинамиз. Қумғонга яна сув қуйиб, ўт қалаймиз. Бурчакдаги уйимиз шинам. Матал бувом ариққа чиқиб, тирсагигача ювиб келади. Чорсисига роса ишқалаб артади. Чорсисини шолчага ёяди. Сандиқдан биргина суви қочган нонни олиб ушатади. Нон бирам ширинки. Оғзимда нон, у ёққа ётаман, бу ёққа думалайман, бувом менга қўйнидан чиқариб оқ қанд беради. Қисирлатиб чайнайман. Совук сувдан тўйиб-тўйиб сипқораман. Бирам маззаки!

Ҳадемай тарақа-туруқ, қасир-қасир, отлари кишнаган қатор автокачлар кириб кела бошлайди. Ғарам-ғарам бедалар келтиради. Матал бувом паншахани олади-да, уларни ғарамлаб тушира бошлайди. Қора терга ботади.

Автокаччилар ҳам ҳар хил. Бировлари қарашади. Тинмай ишлашади. Бировлари, бекорчихўжалари оғзига носвой солволиб, қамчисини ўйнаб ўтиришади салқинда. Шунақа, бу аравакашлар. Мен уларни ёмон кўраман. Мен ҳам ишга осиламан. Фарамдан олдинроқ ўзим йиқиламан. Фарамлар остида қолиб кетаман. Кечгача ҳам бувом чарчамайди. Куннинг иссиғидан, жазирама офтобдан тўнининг чанг-тўзон елкасидан ховур кўтарилади. Тўн белбоққача қорайиб, хўл бўлиб кетади. Ана шунақа ишлайди, менинг Матал бувом. Аравалар келаверади, келаверади, уларнинг тўхтаи йўқ. Кечгача тоғдай уюмлар уйилади. Бу бир неча кун давом этади. Бутун сарой беда тоғига айланиб кетади. Уларнинг устида думалаб-думалаб сакраб юриш қандай мазза. Уюм-уюм пичан тоғлари. Ох, қандай мазза. Улар қишда ҳам турадилар. Сомон уюмлари ҳам. Уларни бувом тез-тез терга пишиб ағдариб туради. Ачиб кетармиш, ёниб кетармиш. Тўғри-да, уларга қараб туриш керак. Бу фарамлар бўлмаса, отларим нима ейди? Қишда булар ҳам совқотади. Улар ташқарида яшайдилар-да. Шунинг учун қорга бурканиб, ёпиниб оладилар. Уларни қушлар ҳам топа олмай гирдикапалак учадилар. Бу ҳам мазза-ю, аммо ёздагиси яхши, ҳозиргиси яна яхши. Ҳидини айтмайсизми, хидини? Отлар ҳам уларга ўч. Бўйинтуруқдан бўшади дегунча, оғзидан жуган тушди дегунча, ҳатто жугани оғзида туриб ҳам унга ташланишади. Аммо бувомнинг битта наърасини эшитгач, ҳаммаси қулоғини динг қилиб, кавшанишдан тўхташади, отхонага йўналишади. Шунақа, менинг отларим.

Мен фарамларга мақтаниб бўлдим. Энди хориб-чарчаб келаётган, кечгача елкасида юк тортган отларимга мақтанаман. Эҳ, мен яхши одам бўламан. Отам айтди. Эшитинглар, отларим. Отам бекорга айтмабди. Матал бувом айтдики, дунёда ҳамма одамлар яхши бўларкан. Мен ҳам ана шундай одам бўларканман. Дунё тўла яхшиларнинг бири бўламан, ўшаларнинг ичида юраман. Ҳа, шунақа! Ишонмасанглар, ана, Матал бувомдан сўранглар! Энди, фақат Оймомага айтишим қолди. Кеч қиряпти, ҳали замон у ўз уйдан ясан-тусан қилиб чиқиб келади. У мени, мен уни излаймиз, бир-биримизни соғиниб кетдик. Роса сўзлашамиз ҳали. У мени жон деб эшитади. Роса хурсанд бўлади, мана кўрасизлар.

Шу пайт отларни жой-жойига жойлаётган Матал бувомнинг овози эшитилади. Отлар оралаб, уни излаб кетаман. Топганимда дейди:

– Ўрта эшикнинг ёнида понорёғ турибди, тошпонорларга қуй. Ўзимизнинг чироғни ҳам тўлат, шишасини синдирмай, юиб қўй.

Хайрон бўлман. Шу кунгача чироғ хақида гап йўқ эди-ку. Нега керак бўлиб қолди улар? Ўрта эшик ёнига чопаман. Ҳамма тошпонорлару осма чироғимиз ўша ерда турибди. Ким уларни бу ерга тўплади? Улар нариги бурчакда чанг босиб ётган эди-ку. Кимдир артиб, тозалаб ҳам қўйибди. Биргина осма лампа чироғнинг шишаси тозаланмаган. Бу Матал бувомнинг иши. Қачон улгурди экан у, бу ишларга. Кечгача беда ағдарди-ю? Менинг Матал бувом шунақа одам бўлса, нима қилай? Қойилман, қойил. Биринчи тошпонорнинг қопқокчасини бурайман. Дарров буралади. Бўшгина экан. Понорёғ идишининг оғзини тўғрилайман. Қани тешикчага тўғри келса, устига-устак зил-замбил оғир-ей, қуриб кетгур, тунука идиш. Оппоқ ёғ тўкилади, сочилади. Вой каллаварам, ёнгинамдаги варонкани кўрмабман. Биринчи бор буларга ёғ қуйишим бўлса ҳам гўрга эди. Варонкани сўкаман. Ёр қуяман. Тошийди. У тошпонорга ўтаман. Кейин унисига... Охири осма лампамизнинг кунгирасидан ушлаб бурайман. Ҳадеганда буралмайди. Ёнимга шишасини эҳтиётлаб қўяман. Кунгирани сиқиб бурайвераман, кунгиранинг қирралари эгилади, барибир бурайвераман. Охири очаман. Қуяман, беркитаман. Шиша ювгани ариққа чопаман. Кул олишни ўйлайман. Қоқинаман. Шиша чил-чил. Йиғлайман. Қанча йиғлаб ётаман билмайман. Зерикаман. Шишанинг синиғин кўтариб отлар ичидаги бувомни топаман. У менга кулади: «Ташвиш қилма, янгиси бор,» – дейди. – Қўлингни кесмадингми?» У отлар билан олишаверади. Охири бўшайди. Қоронғу тушиб келади. Қўрка бошлайман. Нега Оймомам чикмаяпти? Менинг унга гапим бор. Бувом тошпонорларни ёқади. Уларни қўлига сикқанча кўтаради. Мен ҳам кўтараман. «Синдириб қўйма» дейди, у менга. Мен эргашиб боравераман. Ҳаммасини қаторлаштириб, тўсинларга бойланган сим илгаларга осиб чиқамиз. Отларим бирам ҳурсанд бўладики, думларини хавода ўйнатишиб, «қусур-қусур» кунжара аралаш беда чайнашади. У ён-бу ёнга калла отишиб бизга, чироқларга қараб қўйишади. Отхона ёришади. Мен ташқари талпинаман. Олам зимистон. Қани менинг Оймомам? Нега у йўқ? Шунда бувом: «Дунёда ҳеч нарсага ишониб бўлмайди. Ой ҳам алдайди, бекорга айтишмаган, ўн беши қоронғу деб» дейди. Бувомни ёмон кўраман. Ба-

рибир, Оймомамни топиб берасиз, дейман. Менинг унга гапим бор...

Худди шу пайт Қодир ғўр, муштуми зўрнинг овози келади-ю, нафасим ичимга тушиб кетади. Отларимнинг ичига ураман ўзимни. Аммо у тез даф бўлади. Қутуламан. «Қодир ғўр» исми Матал буюм қўйган. Ҳар сафар у билан гаплашиб ўтириб, алмойи-алжойи гапларини тинглаб: «Вой, Қодир ғўр-ей, шундай дегин» деб қўйган Матал буюм. Муштуми зўрни эса Қодир акам ўзи қўйган. «Мен муштуми зўрман, мана кўрдингми, мушту-мимни. Қумқишлоқда ҳамма мендан кўрқади» деб муштумини тугади ва менинг бошимга бир туширади. Бирам қаттикки муштуми, кўзларим ола-кула бўлиб кетади. Бошқа болаларни урадим-йўқми, билмайман, менинг у билан ишим йўқ, фақат унинг қўлига тушмасам бўлгани. Аммо унга ҳам ишонаман. Шундоқ акам бор, у муштуми зўр, ҳеч кимдан кўркмайди. Биров биринг деса, унга айтаман. У немисдан ҳам кўркмайди. Кечаси ҳам ўзи юраверади. Анови Долли, Солли, Холлилар менга дўлайгани билан акамдан кўркишади. Муштуми зўр-да, акамнинг. Анов сарой пахсасидан тушиб, мен билан «диги-диги» ўйнайдиган болалардан ҳам кўркмай ўйнайман. Ахир менинг муштуми зўр акам бор. Фақат ўзимниям қувиб юргани, шуниси ёмон. Ундан қутулиб бўлмайди. Шунақа Қодир ғўр, муштуми зўр акам!

Осма чирокни энди ёқиб, акам келтирган косани очган эдик, дупур-дупур оёқ товушлари келди. «Матал бую-ю!» дея тўрт автокаччи кирди. Бизни қуршади. Қўлидаги шишаларни дастурхонга қўйишди. Ёнларидан саримсоқ пиёз, кўкат-пўкатлар чиқаришди. Бемалол тўшагу ер шолчамизни эгаллашди. Иккитаси ёнбошлаб, чўзилиб ҳам олди. Мен индамайман, Матал буюм жим. Қумғон шарақлаб қайнаган эди, ёшроғи тайёр чой солинган новча темир чойнакка қумғонни ағдарди. Шишаларини очишиб, ичишга бошлашди.

– Пиёланиям кўпайтириб қўймайсан, Матал, – деди сархушроқ автокаччи, ёш бўлишига қарамай эркасираб.

Матал буюм бундай пайтда финг демайди. Ҳалигилар ичиб, гапга тушиб кетишди. Алжираб, мен тушунмайдиган гапларни гапира кетишди. Ора-сира кулоғимга илингани, кўп қайтарилгани «давлат, давлат» деган сўз бўлди. Яна: «Солиқ, солиқ, бир бало-бир бало» дейишди. Кейинги пайтларда «давлат, давлат» одамларнинг оғзидан тушмайдиган бўп колди. Ўша товук давлатни

айтяпти, шекилли, булар ҳам. Товуқ давлат бўлар экан. Анов Шакар чирмандачи шундай дейди. Эринмай тушунтириб беради. Шакар чирмандачининг ўйинини кўргим келади-да. Чирмандасининг овози чикди дегунча югуриб бораман. Хамма уни ўраб олади. Кўпинча, у чирмандасини Халпанинг, темирчи Халпанинг устахонаси олдида чалади. Шакар тўнини белбоғига қистириб, «ҳаҳ» дея тўнқайиб, чирманда уриб қолади, Халпанинг, ўша тозидай ариқ, новча, кал, чўққи сокол, қошию соқоли сарик, кўли билагигача қора Халпанинг ўйинга ташлаганини бир кўрсангиз эди!

Ана шунақанги кунларнинг бирида Шакар чирмандачию Халпа раққос роса чарчашгач, давлат деган гап кўпди. Бири кўйиб, бири гап сўқа бошлади. Шунда Шакар енгиб кетди. У лўнда қилиб деди:

– Давлат бу – товуқ. Ҳа, каттакон товуқ. Бутун гавдаси халқ, боши пошшо. Ахир, бекорга бошининг тожи борми? Ўша боши қаёққа юр деса, давлат ўша ёққа кетаверади. – Гапини тугатди-ю, ўзи бирдан хохолаб кула бошлади, Шакар шапалок. Уни шундай деб ҳам аташарди.

У бирдан жиддий тортди. «Ҳа, онангни...» дея ҳаммани тирқиратиб қувиб солди. Давлат деса ана шу, Шакар шапалокни товуғи эсимга тушаверади. Бувомга айтдим бу гапни. «Тўғри, айтипти, – деди бувом, – ўша боши қанча дон чўқиса, халқи шунча тўк бўлади, – кўшимча қилди у ва сергак тортиб яна кўшиб кўйди. – Бунақа гаплар билан сенинг ишинг бўлмасин, хўпми?»

Маст-аластлар узок ўтиришди. Алжирашди. Матал бувом отларга сув бергани кетди. Мен Оймомамни қидириб ташқари чикдим. Олам зимистон, оймомам йўқ эди. Анов мастлардан, Оймомамнинг йўқлигидан йиғлагим келди. Деворга суяниб, осмонга термулиб ўтиравердим, ўтиравердим, бирдан осмон йўқолиб кетди...

Эрталаб уйғонсам, бурчакдаги юмшоқ фарам тепасида, тўшак устида ётибман. Бувом ётқизиб кўйибди. Отларим ишларига кетиб бўлибди. Бувом отларнинг тагини тозалаб ташлабди. Ташқари чиқаман. Бир дароз одам каттакон отнинг устида ўтирибди. Жуда чиройлик чавандоз. Қалласи катта. Мўйлаби ҳам ўзига ярашган. Елкалари кенг. Қорамтир, пишган юзи пошшоларникига ўхшайди. Кители ўзига ярашган. Отнинг жуган-жиловини тутган. Тагида тилло микли эгар, бақувват оёқларини каттакон узангиларга маҳкам тираган. Бошида дўппи, атлас қийик

танғилган. Атрофида яна ўзига ўхшаш уч-тўрт киши турибди. Уларнинг қаршисида Матал буюм. Чавандоз буклоғлиқ камчиси билан у ён-бу ён кўрсатиб гапиради. Буюм бошини силкитиб маъқуллайди ва улар жўнаб кетади. Мен эснайман. Буюм олдимга келади. Кўзлари милтиллайди. Ташвишкор. Кўз остидан бошланиб, бурнини айланиб оғзига туташган ёриқлари чуқурлашган. Пешонасида ҳам ариқчалар.

– Раис, – дейди у, – ишлар яна кўпаяди. Омон бўлсак, бажарамиз. Дунё тинч бўлсин, болам, бошқаси осон, уруш бўлмасин.

– Бувожон, нега улар келади, келмасин, – дейман мен. – Анови мастлар ҳам келмасин.

Буюм кулади:

– Нега ундай дейсан, болакай? Бу ер ҳамманики. Одам бор жойга одам келади-да. Бу ер меники, сеники эмас. Ҳамманики. Колхозники. Одамларники.

– Сиз меники, отларим меники...

Буюм индамайди. «Бетингни юв, чой ичамиз» дейди.

Шу кундан келадиганлар кўпаяди. Сарой гавжум. Чеган боғлаган чойшабли автокачу аравалар келгани-келган. Каттакон эски омборни тозалашиб, пешма-пеш буғдой тўкишяпти. Буғдойлар тўлиб-тошиб ташқи айвонгача тўкилмоқда. Чеки йўқ саройнинг бир бурчагига тракторлар тортиб юрадиган нарсаларни тўплашмоқда. Нима қилар экан, раис буларни?

Шунда саройда отам бино бўлиб қолди. Тўлган омборнинг эшикларини қулфлаб, калитларни чўнтагига солди. Саройнинг у четидан-бу четига юриб, нарсаларни санаб, қўлидаги дафтарга ёзади, ўйланади, ҳисоблайди.

– Матал ак-о-о, – дейди отам. – Чой қўйиб қўйинг!

Матал буюм отамнинг шу ерда хўжайинсифат ишлаётганидан хурсанд. Мен ҳам. Чой ичишиб, улар суҳбат қуришди:

– Раис яхши одам, – деди отам, – сиздан жуда хурсанд. Менга омборчиликни берди. Ҳамма омборларга галла тушган. Бу худонинг бергани. Колхозга қолгани бу. Давлат заготплани бажарилди. Бу ёғи ўзимизники.

– Ҳа, худо берсин, ишқилиб, – дейди буюм.

– Сизгаям ўн қоп буғдой бергин, деди раис.

– Э-э, менга буғдой нимага керак?

– Ҳақингиз, шунча меҳнат қиялсиз.

– Мени ҳақим мана шу бир пиёла чой.

– Энди кечаси қоровулликни ҳам оласиз.



– Буғдойни таги мўл бўлган бўлса, ким ҳам ўғирларди?!

– Анов катта дарвозага ҳам кулф солиш керак.

– Соламиз, соламиз.

Отамни раис чақиртириб кетади, биз ўзимиз қоламиз. Мен ўйнайман. Матал бувом ўз ишини қилади. Ўйнаб турганим девор тагига тепадан кесак тушади. Қарайман. Деворнинг ўркач-ўркач пасткамрок жойида устига иссиқ нон тўнкарилган овқат турибди. Оламан, бувомнинг олдига чопаман.

– Ким берди буни, Сожи юборибдими? Хали эрта-ю? – дейди бувом.

– Йўқ, деворнинг устида турибди.

– Қайси деворнинг?

– Айвон тагидаги орқа деворнинг.

– Ие, баччағар-ей, яна ким меҳрибон бўп қолди бизга? Обориб қўй жойига. Ҳар хил нарсаларни биров берса, олаверма, хўпми?

– Хўп, – дейман ва косани нони билан турган ерига обориб қўяман.

Шунда рўмол ўраган қўшни хотин – уста Кабирнинг беваси сўз қотади:

– Обор, болам. Иссиқ нон ёпиб эдим. Бувонг икков еб олинглар. Бу ҳам садакаи худо. Айт бувонгга, қайтармасин.

Мен бўйнимни қисаман, нима дейишни билмайман. Бувом битта сўзлигини яхши биламан.

– Майли, ичкарига олиб кириб қўй, хали ерсизлар, – дейди бева, косани қайтариб олмай.

Мен мажбур бўйсунаман. Аммо шу куни банди бўлиб қоламан. Қодир ғўр, муштуми зўрнинг қўлига тушаман. Яна қамок, яна зиндон. Аммо янгилик – фон сўримиз йўқолиб қолибди. Унинг ўрнига янги, яп-янги тахта сўри келибди. Бирам чиройлик. Қирғоғидаги хошияси, суянчикларини айтмайсизми.

Отам уйда йўқ. Онам кечки дастурхонни йиғади. Шу пайт кимдир чақиради. Бир тўп газмол ташлаб кетади. «Сойиб тоғам магазиндан берворди, ўзи хосилотникида ўтиришда бўлар экан» дейди. Буни эшитиб онам негадир қарғанмайди.

Янги сўрида юлдуз санаб, Оймомамни кутиб ётаман. Яна бир кун қолди. Оймомам ингичкагина, ўроқсимон бўлиб чиқишига, яна бир кун қолди. Матал бувом шундай деган. Бир вақт отам келади. Аммо илгаригидай

бировазлар етаклаб келмайди, ўзи. Онам оёғидаги этигини ечади. Сўрига совук чой келтиради. Овқат ейсизми, деб сўрайди. Отам тўқлигини айтади. Икковиси гаплашади, отам:

– Анов газмолларни тезда кўрпа-тўшак қил. Айникса, тўшак-якандоз. Уйимизга энди келадиган меҳмонлар кичкина одамлар эмас. Эртага пахта опкелишади. Кўшнилари хам чақир, қарашворишсин. Янаги ҳафтага бир соғин сигир олиб бераман:

Онам:

– Қаёқдагина кўшнилари дейсиз? Уйларда одам қолмаяпти. Тонг сахар ҳамма далага жўнаворяпти. Бу йил отчёт ҳам яхши бўлади, дейди ҳаммаси. Кундузи қишлоқда ҳеч ким йўқ. Ўзим эплайман.

– Анов, кеча олиб келган шимнинг биттасини Маталга бериб юбор, ҳали ҳам шу жизғанақда пахтали шим кийиб юрибди. Эрта-индин яна опкеламаман.

– Болаларни усти хам бор. Эрта-индин мактаб, – дейди онам.

Отам ухлаб қолади. Аммо уйғоқ экан, шундай дейди:

– Хўжаховузда иккита оила мол олибди. Ҳаёт ўнглаяпти. Ҳамма яхши бўп кетади. Солиғни йўқотип ҳукумат тўғри қилди.

– Пошшоларга инсоф берсин!..

Отамнинг хурраги эшитилади. Оймомамни кутяпман. Қоронғулик ичида ҳамма нарса йўқолади.

### III

Ёркувонда киш кўрғонлади. Мактабдан сўнг Матал буюмнинг пинжидан чиқмайман. Ҳаммаёқни оппоқ қор қоплаган. Бўғотларда сумалақлар осилиб қолган. Борки дунёнинг қуши бизнинг отхонамизга тўпланиб олган. Ҳатто тўшакларимиз атрофи хам чумчуқ-мусичаларга тўла. Чуғурлашиб-чуғурлашиб, тешик топиб, отамнинг омборхонарига хам кириб чиқишади. Товуқларимиз хам отхонада кун кўришади. Отхонамизни тез-тез халатли кишилар текшириб турадиган бўлишган. Улар келиб отларни, охурларни кўришади. Товуқларни бу ерда ушламаслигимизни айтишади. Отлар товуқнинг гўнгини еб қўйса бўлмас эмиш. Сафсатани кўринг. Ишқилиб, хўжайин кўпайиб қолди.

Буюмнинг ўтган куздан бостирган товуклари бирам кўпайдики, бу кузгача саройни товук босиб кетди.

Ғарамлар орасига тукқан тухумлари бутун Қумкишлоққа етди. Ҳамманинг оғзи тухум кўрди. Устма-уст галалашиб болалар тухум сўраб келишади: «Бувим иккита тухум берсин, деди», «Дадам тўртта тухум берсин деди». Болалар, қизчаларнинг кети узилмасди. Бувом сўраганга бешолти, ўнтагача тухум солиб бераверади этагига. Мендан ўқитувчиларга ҳам тухум бериб юборади. Эрталаблари автокаччилар олиб кетади. Ҳатто эрталабга тайёр қайнатиб, пишириб қўйинг қабилидаги талабгорлар ҳам бор. Кечкурун кирувчи ичувчиларни қўяверинг. Қозон-товоғини ҳам кўтариб келаверади. Товуқ қайнатишар эмиш. Товуқ шўрва қилишармиш. Энангни товуғими бу, дейман мен, ичимда сўкиниб. Матал бувом одамларга эҳсон қилганига, уларнинг корига яраганига хурсанд. Бир кунда неча товуқ бечоранинг, яна семиз-семизининг гўшти ошқозонларга тушиб кетади. Колхознинг идорасини-ю, қўяверинг. Ўзларининг товуқ фермаси қилишиб олган. Анов безори ичувчилар магазиндан тухуму товуққа вино алмаштириб чиқаверишади. Матал бувом: «Худо баракасини берсин» дейди, холос, индамай тураверади. Отам ҳам шунақа. Одамларнинг олганига, иши битганига хурсанд. Омборга ким нима сўраб келса, бериб юбораверади. Ўлим, тўй бўлиб қолса, автокачда ўзи жўнатади, ун, гуруч ва ёғни. Автокаччига мени кўшиб беради, бирга ташлаб келаман. Текинтомоқ кўпайгандан-кўпайди. Шунинг учун онам жаврайди-да, бу хотамтойларга бўлса барибир. Ичиб-ичиб, еб-еб яна бувомни сўкиб кетганлари, мушглашиб, ур-сур қилиб кетганларичи? Энди манави халатлиларнинг гапини қаранг. Йўқот эмиш-а, товуқларни. Ўзинг йўқол. Бу ёғидан келсак, ҳозир ҳамманг иссиқ хонага кириб, шу товуқлардан еб, винога тўйиб кетасан. Отам кутиб турибди.

Қишнинг қаҳри ортгандан-ортади. Ҳаммаёқни қор босган, очик ерни излаб ҳам, искаб ҳам топиб бўлмайди. Илкис отхонага отам киради. Бирам чиройли бўлиб кетибдики, отам. Қоп-қора, қалин, қалта қирқилган мўйлаби ўзига жуда ярашган. Бошида дўппи. Сочига сал ок оралаган. Қалин офицер камари тақилган ҳарбий кўйлак кийган. Устида ялтироқ ранг пўпайка. Солдатча галифесим. Оёғида сариқ хиром этик. Уни кўриб, Матал бувомнинг ҳам кўнгли яйрайди. Менинг қувончим чексиз. Отажоним-отажон. Мени яхши одам бўлади, деган отажоним. Аммо юзи ғамгин. Матал бувом билан тик туриб гаплашади:

– Матал ака, у ёқ-бу ёққа эхтиёт бўласиз. Мени раис қақирди. Бу йил қишнинг қаҳри қаттиқ, деди у, одамлар мол-ҳол қилган. Аммо ҳашаги йўқ. Ҳали ўт-ўланга оғзи етгунча қиш бор, ёз бор, емиш-хашак жамғармаси йўқ. Халқ гўзапоягача олди. Молга ғамлаган кўрак-кўсаги ҳеч қанчага етмайди. Ҳашаги йўқ. Еми йўқ. Колхозникига кўз тикиши турган гап. Эхтиёт бўлиш керак. Давлатти хашаги, давлатти еми дахлсиз. Колхоз давлатники.

– Унда... унда... – дудукланади Матал буюм, – халқ кўриб турибди-ку, ҳамма активларникига шу ердан...

– Буни ўйлаб кўрамиз, – чўрт кесди отам, – мен сирни сотаман...

Матал буюм каловланганди, отам давом этди:

– Уйдаги Қоплонни олиб келиб, саройга бойланг. Кечаси кўйиб юборинг. Омборда ёғ бор, гуруч бор, буғдой бор. Эхтиёт бўлишимиз керак, қишнинг тушови узун...

– Энди ақилларинг кирибди... Иннейкейин, Сойиб, уйдаги базми жамшидларни ҳам...

Отам бир дақиқа ер чизиб қолди, сўнг:

– Майли, бироз ховлиқиб кетдик, – деди, – раис яхши одам. Эртага маслаҳатлашаман, активларнинг мол-кўйини ҳам бир ёқли қилармиз.

Менинг бошим осмонга етарди. Мен ҳам, ахир, Матал буюман. Отам менга ҳам қараб-қараб, тенг гаплашяпти. Эҳ, Оймомам, сен буларни билсанг эди! Қишда бизни ташлаб кетасан. Бошқаларга ҳам керак-дурсан-да!

– Шу пайтгача ўғри йўқ эди, – давом этади отам. – Энди билиб бўлмайди. Зарурат ҳам одамни ўғри қилади. Ёз бўйи ишга ўрганган одамлар раисдан иш сўрашяпти. Отхонага ишга киришмоқчи. Ўшаларнинг ҳам мол-ҳоли бор. Раис гапи бир одам. Чўрт кесади. Аммо яна бир гап айтти. Бизнинг одамлар ҳеч қаерга иш сўраб бормасин. Колхоз территориясидан чиқмасин, деди. Бу ёғи жиддий. Отларнинг емишини ҳам сарбағич қилиш керакка ўхшайди. Отларни пичиш тўғрисида гап бўлди. Пичилган отлар кам емиш бўлармиш.

Буюм бу гапни эшитиб, негадир титраб кетди. Мен унинг қўлини тутиб тургандим. Отам ҳам буюмнинг ҳолатидан ғалати бўлди шекилли, у ён-бу ёнини кавлаган бўлиб, ўнғайсиз ортига қайтди. Буюм шу кунни кечгача туз тотмай ётди. Мен билан ҳам гаплашмади. Анча-мунча келиб-кетганлар билан ҳам. Эшик тирқишларидан муз ялаган изғирин кирмоқда. Менинг топган ишим, ўчоқда-

ги оловни кучайтириб ўтиравердим. Бугун отларим ҳам қувноқ эмас, товуқлар ҳам сўпнайишиб, пўмпайишиб, топган жойларида қунишиб ўтиришарди. Бутун Ёркувон қорга кўмилиб қолганга ўхшарди. Устига-устак тушдан кейин яна қор учқунлай бошлади. Кечга томон ҳомуш бувом, иланглаб юриб, отлар олдидаги ўз вазифасини адо этди.

Мен бувом қаерга борса, ортидан эргашиб юриб эдим. Бир пайт Қирчанғи ер тепа бошлади. Ерга тегишиб, қуюқ сийди. Сўнг оғзидан тўла-тўла ховур пуркаганча, безовта ирғишлаб, арқонини узиб олди. Қўшни офилларга ўтди-да, индамай емиш чайнаётган отга ирғиди. Йиқилай деб, қайта туриб, у билан тиш-лаша кетди. Бошқасига чопди, ирғиди. Бутун кўра безовта, отхона отларнинг ёввойи кишнаши-ю, дупур-дупурига тўлди. Бувом ёнидаги тасма қамчисини суғурди, кўлига рўпара келган осиглиқ қайишни олди-ю, Қирчанғига осилди. Бўйнига қайиш ташлаб бошини пастга боса бошлади. Асов Қирчанғи сира бўйин бермас, бувомни думалатиб юбораётган эди. Билмадим қанча олишув кетди, охири бувом Қирчанғини ўрнига боғлади. Сўнг шундай жунбушга тушдики, мен асло бувомни мундоқ кўрмаганман. Унинг қора-қизил кўкси очилиб кетган, кўзлари шокосасидан чикқан, кўлидаги қамчисининг дастаси синиб кетгунча отнинг юз-кўзи демай савалайверди. Мен додлаб йиғлай бошладим. Қирчанғи бечора қамчидан қочиб ёнга сурилганда, тўсқич қасира-қусур синиб кетди. Бувом шунда ҳам уришдан тўхтамасди, энди овозининг борича сўкинаётганди ҳам. Охири сал шаштидан қайтди. Шунда: «Пичиласин, қараб тур, пичиласан, бир мартага пичиласан, ўша пичаман деганлар тўғри қилади, ҳаммангни пичишсин. Бутун дунёни пичишсин, пичилсанг, ўшанда биласан, кимлигингни» ҳансирарди бувом. От тинчиб қолди, бувомнинг ҳансироғи босилмасди. Шунда бирдан бувом Қирчанғининг бўйнидан қучди, елкалари уча бошлади. Кўзим Қирчанғининг кўзида. Икковлон йиғларди.

Шу куни бувом туз тотмади. Дум тушиб ётганча ётаверди. Олам зимистон бўлди. Бувом уч кун деганда ўзига келди, аммо юмушини қанда қилмади. Ўшанда яна отам келди, бу сафар у:

– Тинчликми? – деб сўрагач, секин гап бошлади. – Анов тўртта отни чоптириб туриш керак экан. Қор сусаёй-

са, раис улок бермоқчи. Қирғиз қишлоқдан тўртта қирғиз келади. Ўшалар чоғиб турсин. Уларни ҳозирдан бошлаб яхши емланг экан. Ўғри-пўғри кирмаяптими? Қоплонни ҳам олиб келмадингиз?

– Ўғри корда кирмайди, – лукма қилди Матал бувом.

– Энди активлар ҳам хашак, ем олишмайди. Ҳаммасини молини чўлдаги молхонага жилдиртирдим. Ўзимизнинг сигирни районга обортириб сотиб юбордим.

– Чакки қипсан, – ачинди Матал бувом.

Отам кетига ғўла қўйиб, ўчоқ бошида анча вақт ўтирди. Бир вақт менга?

– Бор, нарироқда ўйна, – деди.

Мен дон чўқийтган товуклар ёнига кетдим. Аммо кулоғим динг. Отхонанинг ичи дим бўлгани учун овозлар эшитилиб турарди.

– Матал ака, мана, бу ерга келганингизга ҳам ўн йил бўлиб қолди, – ётиқ гап бошлади отам, – бир эркакка бир байтал керак.

Бувом безовталанди, шекилли, отам:

– Фақат гапимни эшитинг, ихтиёр ўзингизда, – деди ва давом этди. – Анов Кибр, орқангиздаги уста Кабирнинг беваси Сожини кулоқ-мясани еб ташлади. Ёмон хотин эмас. Битта сағири бор. Қишлоқни ёшлари нотинч. У ҳам тўғри ўйлайди. Сизни пана қилмоқчи, холос. Никох қилиб қўйсақ, бунинг уятли жойи йўқ. Онда-сонда кириб юрсез, юрарсиз. Кийимингизни ювиш Сожигга малол эмас. Сира бу ҳақда ўйламанг.

– Эҳ, Сойиб, – деди шунда Матал бувом. – Менга хотин керак бўлса, бу ёқларга келармидим, иссиқ жойимни совутиб. Бу гапни бир гапирдинг, қайта тилиннга олма. Акс ҳолда, тўнимни елкамга ташлайман-у, кетиб қоламан.

Отам бошқа индамади.

Шундан қанча ўтди билмадим, бир кун кеч оқшом, сарой эшиклари қулфланиб, бувом ошхона ва унинг атрофларини айланиб, ёнимга келди, ухлаб қопсан-да, дея устимни ўраб ўз ўрнига чўзилди. Шу пайт секин отхона эшиги очилди-ю, ўранган, бошига қалин рўмол ташлаб, юзини буркаб олган хотин бино бўлди, тез бориб бувомнинг ёнига чўқди. Бувом: «Йўқол, йўқол» деб юборганини ўзи сезмай қолди. Бироқ хотин чўчимас, йўқоладиган сиёғи йўқ эди. У бувом ёнига чўқ тушди-ю, ёлбора кетди:

– Менга раҳмиз келсин, тоға. Бевага бешик тебранмас

экан. Ёлғизни душмани кўп бўларкан. Дунёга келибман-ки, бир ёруғлик кўрмадим. Кўз очиб кўрганим, Кабир карқулоқ бўлди. Эркакмиди, хотинмиди, бир занчалиш эди. Мен ҳам, ахир бир мусурмоннинг боласиман. Бошим очик, анов ер юткур маст-аластларнинг кўзи дарвозамда. Ўлтириб-нетиб кетишса, нима қиламан? Сағирим бор, Матал тоға. Сиз яхши одамсиз. Менга соявон бўлсангиз бўлди, бошқа нарса керакмас... – у пиқиллаб йиғлай бошлади.

Матал бувом сал ийди. Аёлнинг елкасидан итараётган кўлларини тортиб олди.

– Менга қара... – дея гап бошлаган эди, Кибр яна юрагидагини тўкди:

– Йўқ десангиз, ўзимни ўзим ўлдираман. Жонимдан тўйдим. Ўтин ёрадиганим бўлмаса. Тўшагим чақадиган совук бўлса... Ўтин ёргани ёш-яланг чакиргани ҳам кўрқаман. Уйда ҳеч ким йўқлигини билиб, дарров иштони пўмпайиб қолади... Бир умр хизматингизни қиламан...

– Менга яхшилаб қулоқ сол, – дея, босиқ сўз бошлади бувом.

Иккиси ҳам жим қолди. Бувом негадир ичидагини айтмади. Яна Кибр тилга кирди:

– Майли, бахорроққа бўлса ҳам. Шундай бўлсаям, бизникига кириб-чиқиб тулинг. Анчадан буён мени сизга ўйнаш қилиб бўлишган, узунқулоқлар. Гапимга ишонинг. Никоҳ ўқитиб қўйсангиз бас. Никоҳга уч-тўрт сўм ёзда ишлаган пулим бор.

– Қизиксан, қизим, – ўкинч билан гапира бошлади бувом, – мени суратим эркак, холос. Бўлмаса урушдан келиб, уйим яқинидаги қўшни гузарда бир кун тунаб, бошимни олиб шу ёқларга келиб қоламанми? Бу сирни сенга очдим. Бу ёғи имонингга ҳавола, қизим. Сенга ҳам осонмас, аммо нима қилай? Бори гап шу.

Кибр анча ер чизиб ўтирди ва:

– Менга эркак керакмас, эр керак... – деди.

– Шундай деяверасан қизим, ҳамма нарсани ўз таомилли бор.

Кибр индамай, йиғлаган кўйи чиқиб кетди. Бувом ўтирганча узоқ ўтириб қолди. «Эй, дунёи бевафо, – деди бир вақт, – қани энди, мен ҳам эркак бўлсам, бир лахза ҳам иштонингни кийгизмасдим...»

Кибр шу-шу тинчиб кетди. Аммо баъзан-баъзан девор устида коса бино бўлиб турди. Бизникидан мазали, ёғли-

гўштли овқатлар келар, унинг косасига эҳтиёж ҳам сезмасдик. Кўнгил учун бувом косани менга олдирадиган бўлди. Бу ерга кўп кирувчилар, пиянисталар уни еб кетишар эди.

Бундан бошқа қиш ичи қизиқ воқеа юз бермади. От ўғирланмаганда эди, бутунлай қиш тинч ўтарди. Тинимсиз қор ёғаётган кеча отхонанинг энг четида, тамбаланган дарвозаси олдидаги от йўқолиб қолди. Мен уйғонганда саройда одам кўп эди. Ташқарида тинимсиз қор ёғаётганидан йиғилганлар айвон остида туришарди. Бувомнинг чакмонига ўралиб, пўсахонага ўтириб олдим.

– Сотгансан!!! – ўшқирарди раис менинг бувомга, – қамоғда чиритаман, социалистик мулкни сотишни ўргатиб кўяман. Бу ёғини мелиса ҳал қилсин, – дея отини буриб, қор кечиб чиқиб кетди.

Тўпланганлар ичида отам ҳам бор эди. Улар серрайиб туришди, кейин тарқалишди. Отам бувом билан ичкари киришди, ўчоқдаги ўт ёнида узок ўтиришди. Отам:

– Дараги чиқиб қолар, ўғрилар маълум-ку, – деди.

Бувом миқ этмади.

– Шунинг учун Қоплонни олиб келинг, деган эдим, – яна сўзланди отам.

Бувом ерга қараб ўтираверди.

От топилмади. Уч кун ўтгач, мелиса келиб, бувомни айбдор қилиб, қоғоз тўлдириб, қўл қўйдириб кетди. Бувом кичкинагина бўлиб қолди. Мелиса кетгандан кейин анча ўтиб, отам келди. Раис мелисани тинчитибди, менинг колхозимда бир марта бўлди, бу отбоқарни ҳеч кими йўқ, ишлатиб ундириб оламан, дебди. Бу гапларни эшитган бувом:

– Ана, олсин улоққа тайёрлаттираётган отлардан биттасини. Уларга қирон кептими? – деди. – Қуловига тамға ҳам қадалмаган.

Бувомнинг бу гапидан отам анча вақт ўйланиб қолди.

Ўша куни Қоплонни олиб келгани бордик. Уйимиз отхонадан тўрт хонадон нарида холос. Онам тандирда кип-қизариб нон ёпаётган экан. Онамга анча эт кириб қолибди. Билагидаги енгичани у қўлидан бунисига олиб нон ёпаётибди. Бувомнинг ортидан бурчакдаги бостирма остида ётган итнинг олдида бордим. Ит бувомга ташланар, ириллар, оғзидан сўлаги оқиб, шанғиллаб хуради. Бувом ўйланиб-нетмай тикка бориб, занжирни еча бошлади, бир вақт икковлон олишиб кетишди. Қоп-



лон бувомни кўллари ва энгиларини тишлаб ташлади. Бувом эса сўкина-сўкина, барибир занжирни ечди, ит уни сургулаб югурмоқчи бўлар, яна бувомга ташланар, осмонга сакрарди. Итни олиб кета бошладик. Шунда онам:

– Ҳой, зумраша, ўшағдан келасанми, йўқми? – деди бақиргилаб.

Занжир тутган бувом шоша-пиша:

– Кўй энди, Сожи, жонимга биттагина шу малхам бўлиб турибди, – дея сўранди.

– Ма, иссиқ нон олиб ол, жувонмарг, – деди онам.

Югуриб онамнинг кўлидан иссиқ нонларни олдим-да, бувомнинг ортидан чопдим. Итни сарой бурчагига, айвон остига боғлаб қўйдик. Отхонага кирдик.

– Нонни кўй сандиқ устига, қумфондаги сувни чапиштириб кел, – буюрди бувом. Мен дарҳол бажардим. Бувомнинг ит тишлаган кўлига сув қўйиб турдим. У кўлидаги яра-чақаларни обдон ювди ва кўлига сийишимни буюрди. Сийдигим тўпланиб қолган экан, боплаб сийиб юбордим.

Сал ўтмай, Қоплон тўс-тўполон кўтарди. Тўрт қирғиз улоқчи отларимизни чоптириб, қайтиб келишган экан. Улар жуда хурсанд эдилар.

– Эй буво, – деди улардан бири, отнинг сулуғини бошидан олаётиб. – Мундаин оттар қирғиздаям жўқ. Улақти ўшўлар алат, қараб турўсин.

Матал бувом маъкуллади. Отлар бойлангач, бувом уларга тухум пишириб берди. Қирғизлар магазиндан вино келтиришди. Бир маҳалгача лақиллаб ўтиришди. Отларни роса макташди. Улоқ саргузаштларини гапиришди. Бувом индамас, гоҳо-гоҳо хўрсиниб кўярди.

– Бу отлар кимдики, оғай? – сўради бир қирғиз бувомга қараб.

– Колхоздики.

– Унда пистани жўқ-қу.

– Мана шу боланики, – деди бувом мени кўрсатиб.

– Ўй-ў, – деди қирғиз бош чайқаб. – Жақши оттарда!

Улар довдирай-довдирай, кетишди. Бувом билан биз ёлғиз қолдик. Кеч бўлса ҳам иккимизнинг уйқумиз уйғок эди. Бувомнинг кўксига бош қўйиб, унинг исидан тўйиб-тўйиб нафас олиб ётардим. Эсимга келган саволни бердим:

– Бувожон, ўша куни нега Қирчанғини шунчалик урдингиз?

– Истагини ўлдирай дедим.

– Нега?

– Биз шунинг учун яралганмиз. Уни одам қилай дедим.

Икковлон узок жим қолдик.

– Бувожон, – дедим мен, – отлар нега кийим кийиш-майди?

– Борлигини яширмаслик учун.

– Бу нима дегани?

– Алдамаслик учун.

– Бувожон, – дедим яна бир эснаб. – Оймомамнинг нега доғи бор?

– Белгиси шу.

– Қанақа белги?

– Чап томонидагиси сен. Ўнг томондагиси Катта Дунё. Сен унга интиляпсан.

– Мен Оймомажоним билан сўзлашаман холос-ку. У ерда мен нима қиламан?

– Сендақалар битта эмас. Илгари ҳам кўп бўлган.

Мен ҳам сендақа эдим. У иккаламиздан биттасидир?

– У сиз, – дедим мен эркаланиб.

– Йўқ, – деди бувом. – у сен. Мен аллақачон ерга тушиб кетганман. Шунинг учун мени ер билан баробар қилишади.

– Бувожон, яна нега отларга жабдуқ солишади?

– Бўйсундириш учун.

– Бувожон, – дейман яна қизиқсиниб, – нега отларга эгар уришади?

– Устида ўтириш учун.

– Нега узанги тақишади?

– Устига осон чиқиш учун.

– Тушунмадим, нега?

– Хаёт шунақа. Ҳамма бировнинг устида ўтиргиси келади. Ҳеч паст тушиш йўқ. Кел, энди ухла. Буларни ўйлайверсанг, сира ухлолмайсан. Кўп нарсани сўрайверма. Эсинг бўйинга ўхшаб ўсиб кетади. Бу яхшимас. Эси баланд одамга қийин бўлади.

– Нимага, нимага, нимага? – деявераман.

Бувом кулади. Кейин биласан, дейди.

Мен ухлаб қоламан. Уйғонаман, ўйнайман, бувомнинг айтганини қиламан-қилмайман. Яна ётаман, яна тураман. Отларим билан сўзлашаман. Оймома эса йўқ. У биздан араз.

Ерда қор юпқариб, катта улоқ кунлари яқинлашади.